O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

«Аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охирига бориб республикамизда ўртача иш ҳақи миқдорининг 200 доллар даражасига етиши кутилмоқда».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 11-oktabr • Payshanba • 126 (27.771) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 13 октябрь мамлакатимизда Рамазон байрамининг биринчи куни сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 октябрь

Мустақиллик имкониятлари

«ЎЗБЕКИСТОН» ТАМҒАСИ БИЛАН

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР МДҲ, ЕВРОПА ҲАМДА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА ВА КОРХОНА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ БОРАСИДА ҲАМ ВИЛОЯТДА ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА БОРМОҚДА

Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган Ўзбекистон — Америка «Сурхонтекс» қўшма корхонасида айни кунларда 800 нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ўтган йиллар давомида корхона сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат ички, балки жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини топди. Жорий йилнинг тўққиз ойида дунёнинг ўнга яқин давлатига 262 миллион доллардан ортиқ тўқув маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154 фоиз кўп демакдир. Йил охиригача яна 260 миллион долларлик миқдорида маҳсулот хорижий давлатларга жўнатилиши кўзда тутилган.

— Бунинг учун биз ишчи-хизматчиларимизга барча имконият ва қулай меҳнат шароитлари яратдик, — дейди **корхона бош муҳандиси Ўроқ Ҳайдаров.** — Ишчи-хизматчиларга уч маҳал иссиқ-овқат, махсус кийим-бошлар берилган. Замонавий автобус улар хизматида... Яқинда Германия ва Туркия давлатларидан умумий қиймати 667 минг долларлик кондиционер ҳамда ўров машиналарни келтирдик. Бу қулайликлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади...

Қўшма корхонада касаначиликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар ҳам талайгина. 2006 йилда 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида яна 25 нафар касаначи ишли бўлди. Самарадорлик эса 103 фоизга етди. Бир сўз билан айтганда, «Сурхонтекс» нафақат сифатли маҳсулот тайёрлаш, балки янги иш ўринлари яратишда ҳам вилоятда пешқадамлар сафида бормоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: қўшма корхона ишчиси Замира Сариева; ишчилар — Нигора Алланазарова, Мунаввар Тожиева, Комил Хидиров ва Зуҳра Абдусоатова.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

«ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ТРАНСПАРЕНТЛИК

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ»

Бугунги кунда нафақат маҳаллий, балки, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг нигоҳи ҳам бевосита юртимиздаги сиёсий жараёнларга қаратилмоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки қайси мамлакатда бўлмасин, Президент сайлови мамлакат тақдири ва халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Юртнинг эртаси, келажаги қандай бўлиши, бошланган эзгу ишларнинг қай йўсинда давом этиши сайланажак йўлбошчига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўз-ўзидан маълумки, ушбу сайловга тайёргарлик жараёнлари ва унинг бориши юзасидан журналистларга кўпдан-кўп маълумотлар керак бўлади. Хўш, улар тушган саволларга жавоб олиш учун қаерларга мурожаат этишлари мумкин? Биринчи навбатда сайлов кампаниясини ёритиш бўйича ташкил этилган Матбуот марказига албатта. Биз мазкур марказ фаолияти ва унинг зиммасидаги вазифалар ҳақида газетхонларга кенгроқ маълумот бериш мақсадида марказ раҳбари Беруний АЛИМОВГА мурожаат этдик.

— Марказ журналистларнинг Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, аъзолари билан доимий равишда учрашиб турадиган жойи, — дейди у. — Бу ердан журналистлар сайлов кампанияси, сайлов жараёнларининг боришига оид барча маълумотларни олишлари мумкин. Ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференциялари, брифинг, семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар ўтказилаяпти. Марказнинг зиммасида асосан оммавий ахборот воситаларини сайлов жараёнларига оид ахборотлар билан таъминлаш вазифаси юкланган.

— Матбуот марказида журналистлар учун қандай шароитлар яратилган?

— Журналистлар бемалол, эркин ишлашлари учун қандай шароит керак бўлса, барчаси мавжуд. «Журналистлар иш хонаси»ни бу йил биринчи марта матбуот марказининг ўзида ташкил этдик. Телефон, факс — барча алоқа воситалари ўрнатилган. Компьютерларимиз интернетга уланган. Ҳамкасбларимиз тайёрлаган хабар, мақола, репортаж, фотосурат, видео ёзувларини шу ернинг ўзидан бемалол ўз таҳририятларига узатишлари мумкин. Яқинда хорижлик бир ҳамкасбимиздан бизнинг яратган шароитларимиз халқаро талабларга жавоб берадими, деб сўрасак, у «Ҳатто ундан ҳам аъло. Баъзи жойларда бундай хизматлар пуллик асосда ташкил этилади», деб жавоб берди.

Айни пайтда қарийб 60 нафар хорижий журналист Ташқи ишлар вазирлигидан аккредитациядан ўтиб, юртимизда доимий фаолият кўрсатади. Бундан ташқари жаҳоннинг кўплаб давлатларидан журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишга катта қизиқиш билдираяпти. Европа, Осиё, МДҲ давлатлари, қўшни мамлакатлардан мурожаатлар жуда кўп. Демак, кўптиллилик муҳити юзага келади. Ана шу вазиятни ҳисобга олиб, марказда бўладиган тадбирларни бир вақтнинг ўзида тўртта хорижий тилга синхрон таржима қилишни йўлга қўйдик.

МСК ва Адлия вазирлиги ҳамкорликда сайлов жараёнларига оид бир неча қўлланмалар, брошюраларни чиқаришни режалаштириб турибмиз. Улар орасида журналистлар учун ҳам қўлланма бўлади.

— Сайлов кампаниясини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситаларидан нималар талаб этилади?

— Марказий сайлов комиссияси қошида журналистларни аккредитациядан ўтказиш комиссияси ташкил этилган. Комиссия бизга мурожаат қилган журналистларни рўйхатдан ўтказади. Хорижий мухбирлар эса аввал Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан аккредитациядан, сўнг МСКдан рўйхатдан ўтади. Кейин уларга махсус гувоҳномалар берилади ва бемалол тадбирларимизда иштирок этишлари мумкин.

— Пойтахтда замонавий талабларга жавоб берадиган матбуот маркази ишлаяпти, ОАВни зарур ахборот билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳамкасбларимиз маълумотларни қандай тартибда олишади?

— Жуда ўринли савол. Хабарингиз бор, мамлакатимизнинг 14 та минтақасида сайлов округлари тузилди ва у матбуотда эълон қилинди. Ана шу округ сайлов комиссиялари қошида ҳам барча қулайликларга эга матбуот марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, минтақалардаги журналистлар ҳам **139-43-91, 139-15-72, 144-25-06 телефон ва факс, saylov@elections.uz электрон почтамиз** орқали бизга бемалол мурожаат қилишлари, саволларига тўлиқ жавоб олишлари мумкин. Қолаверса, биздаги маълумотлар тезкорлик билан www.elections.uz сайтига жойлаштириб борилади. Бу ҳам ОАВга жуда асқотади.

— Ҳамкасбларга истакларингиз...

— Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принципларидан бири очиқлик, ошкоралик транспарентлик. Биз ушбу тамойилни амалда татбиқ этиш юзасидан барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Махсус жиҳозланган ушбу матбуот марказининг ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётгани ҳам бундан далолат бериб турибди. Ҳамкасбларимиз шундан фойдаланиб, сайлов жараёнларини холис, қонун доирасида, тезкорлик билан оммага етказиб беришларини истайман. Журналистларнинг ёрдамчиси бўлган марказ бу борада уларга хизмат кўрсатишга тайёр.

«Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ суҳбатлашди.

«Обуна — 2008»

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Ҳар йилнинг сўнгги ойлари матбуот аҳли учун масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки, кейинги йил учун обуна мавсуми бошланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларини тарғиб қилишда асосий воситалардан бири — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг обунасини ташкил этишда партия ташкилотлари алоҳида ўрин тутади.

— Жамоамиз 2 нусхадан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2008 йил учун обуна бўлди, — дейди ЎзХДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Асқар Ғоипов. — Қолаверса, шаҳардаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларда газеталаримизни тарғиб қилиш йўлга қўйилган. Ижтимоий-сиёсий газеталар аҳоли орасида кенг тарқалиши керак, деб ўйлайман. Бундай нашрлар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ХДП нашрларига обунани ташкил этишда партия ташкилотлари, ХДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар, партия фаоллари ўзларини масъул деб билиб, бу борада жон куйдиришлари лозим. Чунки матбуот нашрлари қанчалик оммалашса, партиямиз ғоялари аҳоли ўртасида шунчалик кенг тарғиб қилинади.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ШЕВРОЛЕ» — ЎЗБЕКИСТОНДА:

«CAPTIVA», «EPIKA», «TACUMA»

МАМЛАКАТИМИЗ АВТОМОБИЛЛАРИ САФИДА

Эндиликда Андижонда «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Ласетти»лар билан бирга яна уч русумда «Шевроле» автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади. Яқинда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан Американинг машҳур «General Motors — Europe» ва «GM Daewoo Auto Tehnology» компаниялари ўртасида шартнома имзоланиб, «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамияти негизида «General Motors — Ўзбекистон» қўшма корхонаси ташкил этилди.

Хорижий компаниялар раҳбарияти вакиллари қўшма корхона цехларида бўлиб, унинг техник имкониятлари, қуввати ва мутахассислари малакасидан қониқиш ҳосил қилдилар. Бу ерда ишлаб чиқарилган «Шевроле» русумли «Captiva», «Epica», «Tacuma»» автомобилларининг дастлабки намуналари уч кун муқаддам Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да намойиш этишга қўйилди. Йил охиригача уларнинг икки мингдан зиёдроғи тайёр бўлиши ва сўнгра оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши ҳамкорлар билан келишиб олинди. Тайёрланган автомобилларнинг тенг ярми хорижга экспорт қилинади.

Яқин вақт ичида мамлакатимиз автомобилсозлиги маркази — Асака заводининг йиллик қуввати 250 мингтага етказилиши режалаштирилган. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш эса уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган эҳтиёжини ҳам ошириши, табиий. Бунинг учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи «ЎзКарам Ко», «Ўз Тонг Хонг Ко» қўшма корхоналари янада кенгаядиган бўлди. Бу — мазкур ҳудудларда юзлаб муқим иш жойлари ва янги-янги хизмат кўрсатиш, сервис каби турли хил инфратузилмалар деганидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Кейинги йилларда Когон туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Ўбачўли маҳалла фуқаролар йиғининг «Мевазор» қишлоғидаги ўнлаб хонадон аҳли ҳам шундай имкониятга эга бўлди.

— Эл бирлашса, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Эргашев. — Қишлоқнинг Нозимжон Ҳайдаров, Нор Бобоев сингари тадбиркор фаоллари ташаббуси билан қисқа вақт ичида 73 хонадонга қувурлар орқали тоза ичимлик сув келтирилди.

Фуқаролар йиғини ҳудудида 12 та қишлоқ бўлиб, шу йилнинг охиригача яна 6 та қишлоқ сув билан таъминланиши режалаштирилган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Фракция аъзолари дастлаб биринчи ўқишда киритилаётган «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов тушунтириш берди.

Жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, хусусан, жиноий жазо сифатида жарима суд амалиётида кенг қўлланила бошланди. Жиноий жарималарни ундириш тўғрисидаги суд ҳукмларининг ижро этилиши ўрганилганда, жаримани тўлашдан бўйин товлашга олиб келувчи муаммоларнинг борлиги кўзга ташланди. Юзага келган вазиятнинг асосий сабаби Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг баъзи нормалари бир-бири билан мос эмаслигидадир.

Юқоридаги кодексларда жиноий жазо тариқасидаги жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун уч ой вақт назарда тутилган. Айтиб ўтилган Қонунда эса суд ҳукмини ижро этиш варақаси суд ижрочисига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани ихтиёрий тўлаш учун беш кун вақт бериш лозимлиги кўрсатилган. Бу эса ўз-ўзидан амалиётда жуда катта ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқараяпти. Натижада суд ҳукмининг ижро этилмасдан, жазонинг муқаррарлиги тамойили бузилаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Ижрочи учун жаримани мажбурий ундириб олишнинг механизми амалда мавжуд эмас эди. Таклиф этилаётган лойиҳада ижро варақаси ижрочига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани тўлаш учун бир ой ихтиёрий вақт бериш, агар шу даврда тўланмаса ижрочи икки ой ичида жаримани мажбурий ундириб олиши, ундирувни маҳкумнинг мол-мулкига қаратилишининг ҳуқуқий асослари белгиланаяпти. Жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаганда ёки мажбурий ундиришнинг имкони бўлмаганда, суд томонидан маҳкум ишдан озод этилиши ва унинг ўрнига муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши ҳақида ҳукм чиқариши лозимлиги белгиланаяпти.

Шунингдек, ушбу лойиҳа қабул қилинган тақдирда, жаримани тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланаяпти. Жиноий жазо тариқасидаги жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун уч ой вақт назарда тутилган. Айтиб ўтилган Қонунда эса суд ҳукмини ижро этиш варақаси суд ижрочисига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани ихтиёрий тўлаш учун беш кун вақт бериш лозимлиги кўрсатилган. Бу эса ўз-ўзидан амалиётда жуда катта ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқараяпти. Натижада суд ҳукмининг ижро этилмасдан, жазонинг муқаррарлиги тамойили бузилаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Ижрочи учун жаримани мажбурий ундириб олишнинг механизми амалда мавжуд эмас эди. Таклиф этилаётган лойиҳада ижро варақаси ижрочига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани тўлаш учун бир ой ихтиёрий вақт бериш, агар шу даврда тўланмаса ижрочи икки ой ичида жаримани мажбурий ундириб олиши, ундирувни маҳкумнинг мол-мулкига қаратилишининг ҳуқуқий асослари белгиланаяпти. Жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаганда ёки мажбурий ундиришнинг имкони бўлмаганда, суд томонидан маҳкум ишдан озод этилиши ва унинг ўрнига муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши ҳақида ҳукм чиқариши лозимлиги белгиланаяпти.

Шунингдек, ушбу лойиҳа қабул қилинган тақдирда, жаримани тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланаяпти. Жиноий жазо тариқасидаги жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун уч ой вақт назарда тутилган. Айтиб ўтилган Қонунда эса суд ҳукмини ижро этиш варақаси суд ижрочисига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани ихтиёрий тўлаш учун беш кун вақт бериш лозимлиги кўрсатилган. Бу эса ўз-ўзидан амалиётда жуда катта ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқараяпти. Натижада суд ҳукмининг ижро этилмасдан, жазонинг муқаррарлиги тамойили бузилаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Ижрочи учун жаримани мажбурий ундириб олишнинг механизми амалда мавжуд эмас эди. Таклиф этилаётган лойиҳада ижро варақаси ижрочига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани тўлаш учун бир ой ихтиёрий вақт бериш, агар шу даврда тўланмаса ижрочи икки ой ичида жаримани мажбурий ундириб олиши, ундирувни маҳкумнинг мол-мулкига қаратилишининг ҳуқуқий асослари белгиланаяпти. Жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаганда ёки мажбурий ундиришнинг имкони бўлмаганда, суд томонидан маҳкум ишдан озод этилиши ва унинг ўрнига муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши ҳақида ҳукм чиқариши лозимлиги белгиланаяпти.

Юқоридаги кодексларда жиноий жазо тариқасидаги жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун уч ой вақт назарда тутилган. Айтиб ўтилган Қонунда эса суд ҳукмини ижро этиш варақаси суд ижрочисига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани ихтиёрий тўлаш учун беш кун вақт бериш лозимлиги кўрсатилган. Бу эса ўз-ўзидан амалиётда жуда катта ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқараяпти. Натижада суд ҳукмининг ижро этилмасдан, жазонинг муқаррарлиги тамойили бузилаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Ижрочи учун жаримани мажбурий ундириб олишнинг механизми амалда мавжуд эмас эди. Таклиф этилаётган лойиҳада ижро варақаси ижрочига келиб тушганидан сўнг маҳкумга жаримани тўлаш учун бир ой ихтиёрий вақт бериш, агар шу даврда тўланмаса ижрочи икки ой ичида жаримани мажбурий ундириб олиши, ундирувни маҳкумнинг мол-мулкига қаратилишининг ҳуқуқий асослари белгиланаяпти. Жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаганда ёки мажбурий ундиришнинг имкони бўлмаганда, суд томонидан маҳкум ишдан озод этилиши ва унинг ўрнига муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши ҳақида ҳукм чиқариши лозимлиги белгиланаяпти.

Шунингдек, ушбу лойиҳа қабул қилинган тақдирда, жаримани тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланаяпти.

ҲАҚИҚАТ

БЎЛСАНГ, СТАТИСТИКАГА МУРОЖААТ ҚИЛ».

келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг истиқболини жаҳон ҳамжамиятига интеграллашуви билан боғлиқ ҳолда кўра бошлади. Илм-фан, санъат ва спорт соҳасида жаҳон миқёсида Ўзбекистон шарафини улуғловчи янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келди.

«Мухтасар айтганда, — деб таъкидлади Президентимиз, — Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди».

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги **иккинчи давр** 2001-2007 йилларни ўз ичига олиб, биз тилга олиб ўтган мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини ошириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар (тўла бандлик, ички нархлар барқарорлиги, бакувват тўлов балланси, хорижий валюталарга алмашув курсининг барқарорлиги, давлат бюджети камомадининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошиб кетмаслиги, даромадлар тақсимланиши муаммоси кабилар)нинг ўзаро мутаносиблигини, экспорт ва олтин-валюта захирамизни ортиб боришини таъминлаш даври бўлди. Шу ўринда «ялпи ички маҳсулот» деган тушунчага изоҳ бериб ўтиш лозим: давлат миқёсида бир йил мобайнида чиқарилган жами ички маҳсулот қиймати билан ўлчанадиган умумий кўрсаткич — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) дейилади. Яъни, бу ерда — истеъмол қилинган маҳсулот, ички инвестиция (сармоя), товар ва хизмат экспорти, товар ва хизматларнинг импорт қиймати жамланади. Ялпи ички маҳсулотга чет элда сотилган ва бошқа халқаро иқтисодий алоқалардан тушган соф даромадни қўшса, ялпи миллий маҳсулот келиб чиқади. Масалан, солиқ тушумлари ҳам ялпи ички маҳсулотга нисбатан олиб таҳлил қилинади ва солиқ оғирлиги ҳисобланади.

Жадвалдаги рақамлар мустақил тараққиёт йўлининг иккинчи босқичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эътиборга молик ютуқлар, салмоқли натижалар ва ўзгаришлар қўлга киритилганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулотининг юксак ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий ривожланиш натижаларини алоҳида қайд этди.

Иккинчи босқич даврида эришилган барқарор иқтисодий ривожланиш суръати бугунги кундаги ялпи ички маҳсулотнинг 9,7 фоизга ўсишини таъминлади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ва ташқи савдо, ҳамкорлар умумий талабининг ўсиши, шунингдек, иқтисодиётнинг ана шу талабни қондиришга тайёрлиги муҳим омил бўлди.

2007 йилнинг ярим йиллигида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 5,5 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 19 фоизга, пулли хизматлар 25,1 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорти 39 фоизга ошди. Қувонарли томони шундаки, унинг 70 фоизини мамлакатимизда тайёрланган маҳсулот ташкил этди.

Албатта, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида бу ютуқлар осонликча қўлга киритилган эмас. Унинг замирида юртимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган оқилона сиёсат, бу сиёсатни қўллаб-қувватлаган бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассам. Таққослама нархларда олиб қараганда, 2006 йили 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиши 45 фоизни ташкил этгани, жумладан саноат ишлаб чиқариши 1,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1,5, ташқи савдо айланмаси 1,7, экспорт ҳажми 1,9, олтин-валюта захираси 3,7, реал иш ҳақи эса 4 марта ошгани фикримизнинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, инфляциянинг йиллик даражаси 4 мартадан зиёд пасайгани ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши саноатда меҳнат унумдорлиги 1,7 марта ошишига замин яратган.

Бу ютуқлар рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланиши, буни таъминловчи жиддий таркибий ўзгаришлар ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши ҳисобига қўлга киритилаётгани қувончли, албатта.

Дарвоқе, халқимиз, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида амалга оширилган кенг кўламли, бекиёс ишларни бир мақомда қамраб олиш қийин, албатта. Бу улкан ишлар ҳақида ўйлаганда, давлатимиз раҳбарининг оғир машаққатли тўксонинчи йилларда айтган ишонч тўла қуйидаги фикри хаёлдан ўтади: **«Мен буюк ва қудратли, севимли ва азиз халқимга унинг бир фарзанди сифатида мурожаат қилиб айтаманки, ишонинг: кимнингки нияти пок бўлса, эл-юрт, халқ учун фидойилик билан холисона меҳнат қилса, албатта, қайтади.**

Ҳар кимнинг уйи, ҳар кимнинг хонадони, ҳар кимнинг оиласига файз бўлиб қайтади».

Биз бугун ана шу ҳақиқатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

2001-2007 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишини тавсифловчи

№	Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007 (6 ой)
1	ЯИМнинг ўсиш суръати	103,8	104,2	104,0	104,2	107,7	107,0	107,3	109,7
2	Саноат маҳсулоти	106,4	107,6	108,5	106,2	109,4	107,3	110,8	111,6
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2	105,5
4	Асосий капиталга инвестициялар	101,0	103,7	103,8	104,5	105,2	107,0	109,1	140,2
5	Давлат бюджетининг бажарилиши даражаси (ЯИМга нисбатан)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	0,4	0,1	0,5	1,9
6	Инфляция даражаси (йил охирида)	28,2	26,6	21,6	3,8	3,7	7,8	6,8	2,7
7	Солиқ юки (ЯИМга нисбатан)	28,0	25,7	25,0	23,8	22,6	22,6	...	...
8	Экспорт	0,9	-2,9	-5,7	24,6	30,3	11,5	18,1	39,0
9	Нодавлат секторнинг ЯИМдаги салмоғи	70,2	71,3	72,9	74,5	75,7	75,8	76,7	77,8
10	Кичик бизнеснинг:								
	• ЯИМдаги салмоғи	31,0	33,8	34,6	35,5	35,6	38,2	42,1	45,0
	• бандликдаги салмоғи	...	...	...	...	60,3	65,5	69,3	(режа) 69,8

БОМБАРДИМОН ҚИЛИНДИ

Покистон ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат шимоли-ғарбидаги жангарилар позицияларини бомбардимон қилди. Ҳукумат қўшинлари қўмондонлигидан олинган манбаларга асосланиб, «Reuters» АА бу ҳақда хабар тарқатди. Ҳаво ҳужумидан сўнг унинг натижалари ҳақида ҳарбийлар ҳозирча бирор-бир маълумотга эга эмас, аммо маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, бомбардимон оқибатида 50 га яқин киши ҳалок бўлган.

Маълумки, Покистон армияси мана беш кундирки, Шимолий Вазиристонда «Толибон» ҳаракати ва «Ал-Қоида» гуруҳи жангарилари-га қарши жанг олиб бормоқда.

Жанговар тўқнашув 6 октябрь куни кечқурун, яъни президент сайлови куни Мир-Али шаҳрида бошланган. Авиация қўллангунга қадар жангарилар ва армия аскарларидан 200 га яқини нобуд бўлган. Аниқроқ айтганда, ҳалок бўлганларнинг 45 нафари армия вакилларидир.

ЗАРБАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА



Туркия Ироқ шимолида жойлашган курд жангариларига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақда Туркия бош вазири Режеп Эрдоған баёнот берди, — дейилади «Associated Press» АА хабарида.

Маълумотларга қараганда, якшанба куни Туркиянинг жанубий-шарқида мамлакат ҳарбийларининг 15 нафари курд сепаратчилари томонидан йўқ қилинган. Уларнинг 13 нафари Ироқ билан чегарадош Ширнак музофотида сепаратчилар пистирмасига дуч келган. Бунга жавобан Туркия ҳукумати ушбу музофотда йирик ҳарбий қўшин тўплади ва ҳудудни курдларнинг ҳарбийлашган отрядларидан тозалашга киришди.

Кечадан аввал Туркия артиллерияси жангарилар кесиб ўтувчи чегара ҳудудини ўққа тутди.

Маълумки, шу йил 28 сентябрь куни Туркия ва Ироқ терроризмга қарши кураш тўғрисида битим имзолаган. Ушбу битимга кўра, икки томон ҳам ҳар қандай террорчилик ҳаракатига қарши қатъий чоралар кўриши шарт.

Эслатиб ўтамиз: курдлар — ўзлари атаётган Курдистонда яшовчи этник гуруҳ. Уларнинг ҳудуди Туркия, Ироқ, Эрон ва Сурия билан чегарадош. Курдистон ишчи партияси ҳарбий-сиёсий ташкилот сифатида фаолият юритади. 1984 йилдан бери улар Туркиянинг жанубий-шарқида мустақил курд давлатини қуриш учун кураш олиб бормоқда.

Дарвоқе, Туркиянинг Ироқ билан чегарадош ҳудудига қўшин тўпланиши (курд сепаратчиларига қарши кураш учун) расмий Вашингтонга ёқмаяпти. Уларнинг айтишича, бу шундоқ ҳам оғир бўлиб турган Ироқдаги вазиятни янада чигаллаштириб юборади.

2008 ЙИЛ ОХИРИГАЧА

Мамлакат президенти Жалол Талабоний «CNN» телеканалига интервью бераркан, шу нарсани алоҳида таъкидладики, келгуси йилнинг охиригача Американинг камида 100 мингга яқин ҳарбийси Ироқ ҳудудидан олиб чиқиб кетилади. Бироқ яна шуни қайд этдики, Америка контингентини ҳудуддан чиқариш Ироқ маъмурияти ихтиёрида эмас, балки АҚШ ҳарбий раҳбарияти қарорига боғлиқ масаладир.

Президент «Нимага асосланиб 2008 йил охиригача 100 мингга яқин Америка аскари Ироқ ҳудудидан олиб чиқиб кетилади, деяпсиз?» деган саволга тушунтириш бериб ўтирмади.

«Reuters» АА маълумотларига кўра, бугунги кунда Ироқда АҚШнинг 165 мингга яқин ҳарбийси бор. Республикачилар партияси ва президент Жорж Буш демократлар босими остида, аниқроғи, уларнинг қатъий талабидан сўнг келгуси йил ўрталаригача 20 — 30 минг Америка аскари Ироқдан олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги режани маъқуллади. Бундан ташқари, Жорж Буш Америка халқига қилган телемурожаатида Рождество байрамигача 5 минг 700 нафар Америка ҳарбийси уйига қайтишини ваъда қилган. 21 минг 500 нафари эса келгуси йил июлгача Ироқдан чиқарилишини айтган.

САНКЦИЯ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРДИ

Япония ҳукумати Шимолий Кореяга қарши қўллаган иқтисодий жазо чораси муддатини яна 6 ойга узайтирди. Бу ҳақда Япония Вазирлар Маҳкамасининг бош котиби Нобутака Матимура баёнот берди.

Ушбу санкция ўтган йил октябрда КХДР томонидан амалга оширилган ядро синовларига қарши жорий этилган эди. Шу йил апрелда эса санкция муддати яна 6 ойга узайтирилган. Бу муддат 13 октябрда тугаши керак эди.

Мазкур санкцияга кўра, Япония КХДРдан ҳар қандай товарлар импортини ҳамда ўз портларига КХДР кемалари киришини тақиқлаган. Шу йил февралда ва сентябрда Пекинда Шимолий Кореянинг ядро муаммоси юзасидан ўтказилган олти томонлама музокараларда (унда Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея делегациялари иштирок этган) томонлар ўзаро келишувга эришган бўлишига қарамай, Япония КХДРга иқтисодий ёрдам кўрсатишни рад этмоқда.

Маълумки, Япония ўтган асрнинг 1970-80 йилларида ўз фуқароларининг расмий Пхеньян томонидан ўғирланганлигига даъво қилмоқда, дейилади «Associated Press» АА хабарида.

Ушбу ўғирликни расмий Пхеньян тўлиқ тан олмагунча Япония санкция чорасини бекор қилмоқчи эмас.

Шимолий Корея ўзининг махсус хизмати вакиллари томонидан ўтган асрда 13 нафар япон фуқароси ўғирланганлигини тан олган. Уларнинг беш нафари ўз ватанига қайтарилган, қолган 8 нафари эса вафот этган. Шунинг учун Пхеньян бу масалани ёпиқ деб ҳисоблайди. Аммо расмий Токио ўғирланганлар 13 нафар эмас, балки анча кўп деб ҳисобламоқда ва уларни Японияга қайтариш талабини қўймоқда.

Яна бир гап. Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари хабар беришича, Йонбендаги ядро реактори шу ойнинг ўрталарида қисмларга ажратилади. Бу иш учун 45 кун вақт кетади.

Манбаларда тасдиқланишича, бўлакларга ажратилган реакторнинг асосий таркибий қисмлари Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) назоратидаги омборхонада сақланишига Шимолий Корея маъмурияти рози.

Маълумки, шу йил сентябрь ойи охирида КХДРнинг ядро муаммоси юзасидан Пекинда бўлиб ўтган навбатдаги олти томонлама музокараларда ушбу реакторни (унда уранни бойитиш ишлари июль ойида тўхтатилган) қисмларга ажратиш ҳақида келишиб олинган.

Эслатиб ўтамиз: шу йил 13 февралдаги музокаралар чоғида Йонбендаги ядро комплексини ёпиш эвазига Жанубий Корея, Хитой, АҚШ ва Россия КХДРга 1 миллион тонна ёнилғи етказиб бериш ёки унинг суммасига тенглаштирилган иқтисодий ёки инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Жорий йилнинг 14 июлида КХДР Йонбендаги реактор фаолитини тўхтатган ва ядро комплексига МАГАТЭ инспекторларини текшириш учун киритган. Шундан сўнг Жанубий Корея ваъда қилинган ёнилғининг 50 минг тоннасини КХДРга етказиб берган.

ЧЕГАРАДА БАЗА ҚУРИЛДИ

Эрон телевидениесининг хабар беришича, мамлакатнинг Афғонистон билан чегарасига яқин жойда, яъни Жанубий Хуросон музофотининг маъмурий маркази Биржанд шаҳри чеккасида ҳарбий ҳаво кучларининг янги базаси қурилди.

«Ушбу базанинг қурилиши ҳарбий ҳаво кучларимизнинг жанговар шайлигини оширишга қаратилган бўлиб, мақсад мамлакатимизга қарши ҳар қандай тажовузни ўз вақтида бартараф этишдир» деди Эрон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони, генерал Аҳмад Муғани базанинг очилиш маросимида.

Янги базада қирувчи самолётлар ва замонавий радар тизимлари жойлаштирилади, дея хабарини якунлайди «Новости» АА.

САЛКАМ 700 КИЛОЛИК ОШҚОВОҚ

Калифорния штатининг Халф Мун кўрфазида ошқовоқлар кўргазма-мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Орегон штатилик Тэд Старр етиштирган ошқовоқ улканлиги ва оғирлиги билан биринчиликни олди. 70 нафар рақибини енгиб чиққан Старрнинг ошқовоғи нақ 691 килолик тош босди. Бунинг учун у 34-халқаро чемпионатнинг бош соврини — 9 минг 144 долларлик пул мукофотини қўлга киритди.



Иккинчи ўрин ошқовоқлар кўргазма-мусобақасининг собиқ уч карра чемпиони Жоэл Холландга насиб этди. У етиштирган ошқовоқ 627 килограмм чиқди.

«Новости» АА хабар беришича, ушбу мусобақада маҳаллий мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этди. Фрэнк Хафф мактаби ўқувчиларининг лаборатория шароитида етиштирган ошқовоғи 144,7 килолик тош босиб, учинчи ўринни қўлга киритди.

«Би-би-си» хабарига кўра, Будапештда ҳам худди шундай ажабтовур мусобақа ўтказилди. Бунда болалар «кубик-рубик»ни тез «йиғиш» бўйича беллашдилар. Япониялик 16 ёшли ўқувчи Ю.Накадзима 13 сониядаёқ «кубик-рубик»-ни керакли шарт бўйича «йиғиб» ташлади. Унга 7 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пулини ушбу бошқотирма — «кубик-рубик»нинг ихтирочиси ўз қўли билан топширди.

Иккинчи ўринни америкалик Эндро Канг, учинчи ўринни эса япониялик Мицуки Гундзилар эгалладилар. Аммо шу йил май ойида бўлиб ўтган чемпионатда француз Тибо Жакино томонидан ўрнатилган жаҳон рекордини (у 9,86 сонияда «кубик-рубик» томонларини бир хил рангда теролган) ҳеч ким янгилай олмади.

Ушбу мусобақада 33 та мамлакатдан 300дан ортиқ киши иштирок этди. Улар орасида ҳатто шундай иқтидор эгалари бор эдики, улар кўзларини юмган ҳолда шартни бажардилар, айрим «кубик-рубик» ишқибозлари эса оёқларида «йиғиб» ташлади.

Эслатамиз: дунёга машҳур ушбу «кубик-рубик» бошқотирма ўйинчоғи 1974 йили венгриялик меъмор Эрно Рубик томонидан ихтиро қилинган. Бироқ 6 йилдан кейингина унинг савдоси Венгриядан ташқарига чиқди. Бугунги кунгача дунё бўйича 300 миллионта «кубик-рубик» сотилган.

Ихтирочининг сўзларига қараганда, кубикда 43252003274489856000 та «комбинация» бор.

Эрно Рубик кейинчалик «Рубик-соати», «Рубик-илони» сингари ўйинчоқларни ҳам ихтиро қилган. Ҳозир у 63 ёшда.

Банк ва мижоз

МИКРОСАРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда хусусий мулкчилик асосларининг яратила бошлангани кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун катта аҳамият касб этди. Бозор иқтисодиёти тамойилларининг барқарорлашуви натижасида вужудга келган бундай имкониятдан фойдаланаётганлар кам бўлаётгани йўқ. Буни Жиззах вилоятида тадбиркорлик субъектлари тобора кўпайиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин. 2006 йилнинг май ойида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилоят бошқармаси ташкил этилганлиги бундай тараққиётга имкон яратди. Зеро, ушбу микромолиялаш ташкилоти фаолиятида бошланғич сармоя асосий ўринни эгаллайди. Шу боис унинг микросармоялари якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларга, оилавий бизнесни бошлаганларга, касаначиликни ташкил этувчиларга хизмат қилмоқда.

Вилоят бошқармаси бешта бўлим ҳамда янги ташкил этилган 18 та минибанк орқали жами 4249 та мижозга хизмат кўрсатаётир. Шундан 1489 таси ёки 35 фоизи «Микрокредитбанк» фаолият бошлаганидан кейин пайдо бўлди. Маълумки, тадбиркорликнинг барча соҳаларида хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Банк шуни ҳисобга олган ҳолда ишбилармонлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, Ўзбекистон Халқ усталари ва ҳунармандлари жамияти Жиззах бўлими, вилоят «Кўзи ожизлар» жамияти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар маркази Жиззах вилоят бошқармаси билан, шунингдек, маҳаллий телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Вилоятнинг энг чекка ҳудудларидаги молиявий маблағларга муҳтожлиги сабабли ўз ишини бошлашга қийналиб турган тикувчилар, зардўзлар, ҳунармандлар, наққошлар ва бошқа касб эгалари ҳузурида қатор семинарлар ўтказилиб, «Микрокредитбанк» сармояларидан фойдаланиш, ўз меҳнат фаолиятларини йўлга қўйиш имкониятлари борлиги тушунтириб борилмоқда.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига жами 434 та тадбиркорлик субъектига берилган микрокредитлар ҳажми 1 млрд. 649,9 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 202,5 млн. сўми ёки 12,2 фоизи тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган субъектларга берилган дастлабки сармоя микрокредитлари, 1 млрд. 447,4 млн. сўми ёки 87,8 фоизи эса илгаримаси томонидан 256 нафар тадбиркор аёлга 557,4 млн. сўм кредит ажратилди.

— Бир неча йилдан буён «Манзура Ишматова» хусусий корхонасига раҳбарлик қилиб келаман, — дейди ғаллаороллик тадбиркор аёл Манзура Ишматова. — Бунда «Микрокредитбанк» менга ҳамиша мададкор бўлмоқда. Масалан, шу йилни олайлик. Банкдан микролизинг асосида 14 млн. 215 минг сўмлик кредит эвазига тикув машиналари ва дастгоҳлари сотиб олдим. Бунинг натижасида қишлоқ хотин-қизларидан 24 нафари ҳунар ўрганди, касб эгаси бўлди. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли қисқа муддат, яъни, атиги 3 ой ичида 12 млн. сўмлик тикувчилик ва зардўзлик буюмлари ишлаб чиқарилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир мунча ютуқларга эришдик. Дарвоқе, ўзимиз ишлаб чиқараётган 18 турдаги бадиий каштачилик, қуроқчилик, зардўзлик ва тикувчилик буюмлари билан «Ташаббус-2007» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашдик. Танловнинг туман ва вилоят босқичларида 1-ўринни эгалладик. Республика кўрик-танловида эса фахрли 3-ўринга сазовор бўлдик. Айни пайтда туман бўйича 15 нафар аёлни касаначилик шартномаси асосида ишга жалб қилдик. Қолаверса, корхонамизда ташкил этилган тикувчилик курсида 60 нафар қишлоқ қизларига касб сирларидан сабоқ бераяпмиз.

Вилоятнинг чекка туманларидан бири — Зафарободдаги «Қутбиддин-Ўзлишоҳ» хусусий фирмаси раҳбари, тадбиркор аёл Насибали Дархонова ҳам банк хизматидан мамнун. У банкдан хусусий фирмага 5 млн. сўм микрокредит олиб тумандаги қаровсиз ҳолда ётган бинони таъмирлади. Энди бу жой янги, замонавий тикув дастгоҳлари ва керакли мебеллар билан жиҳозланган, меҳмонхона ва маиший хизмат кўрсатиш масканига айланди. Қисқа муддат ичида, яъни микрокредит олган вақтдан бошлаб ўтган етти ой мобайнида 9 млн. 767,5 минг сўмлик турли хил тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилганлиги ва маиший сервис хизматлари кўрсатилганлиги хусусий корхонанинг иқтисодий қуввати ошиб бораётганлигидан далолатдир. Боз устига 12 та янги иш ўринлари ташкил этилганлиги ҳам қувончли.

Энг аҳамиятли томони шундаки, тадбиркор аёлларга берилган бошланғич сармоялар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари бўйича ҳар ойда банкка қайтариладиган устама фоиз тўловлари ва муддати келган асосий қарзларни қайтаришда бирон-бир муаммога дуч келинаётгани йўқ. Аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасини олис қишлоқларда ҳам ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирлари кенг амалга оширилаётганлиги натижасида вилоятдаги 23 нафар тадбиркор аёлга 44 млн. 235 минг сўмлик микромолиявий мадад кўрсатилди. Жумладан, Бахмал туманида яшовчи хусусий тадбиркор Шаҳноза Бекназарова 620 минг сўмлик бошланғич сармоядан фойдаланиб, ўзининг гиламчилик цехини, ғаллаороллик Насиба Қўшмонова эса зардўзлик цехини, мирзачўллик Феруза Омирова тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдилар. Хусусий тадбиркор Ўғилой Абдураҳимова 620 минг сўмлик сармоя ҳисобига аёллар сартарошхонасини ишга тушириб, халққа хизмат қилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинганлиги банк бошқармаси нуфузини оширмоқда. Жумладан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш учун ҳам кўплаб кредитлар берилмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун 167,4 млн. сўмдан зиёдроқ микросармоялар ажратилганлиги бу соҳадаги ўсишни таъминлаяпти. Уй бекалари ҳисобланмиш аёллардан 83 нафари ўзининг шахсий чорвасига эга бўлди. Хорижий мамлакатлардан зотдор, наслли қорамоллар сотиб олиш учун 28 та фермер хўжалигига 131 млн. сўмлик микрокредит берилганлиги қувончлидир.

Дарвоқе, «Мирокредитбанк» АТБ Жиззах вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Уларни мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, товуқхоналар ва иссиқхоналар ташкил этишда қўллаб-қувватламоқда. Шу йилнинг ўзида 12 та фермер хўжалигига ҳар бирининг шартнома қиймати 25 млн. сўм бўлган «Белорусь-80Х» русумли тракторлар, 2 та фермер хўжалигига ҳар бирининг қиймати 122 млн. сўмлик «Класс Доминатор — 130» русумли ғалла ўриш комбайнлари олиб берилди.

Мамлакатимиз пойтахтида анъанавий равишда ўтказилаётган «Агроминитех Экспо» халқаро кўргазма савдоларида қатнашиб, замонавий технологиялар олиш учун шартномалар тузиб қайтган тадбиркорлар бемалол банк ёрдамига суянмоқдалар. Жиззах шаҳридаги «Техногалактика» хусусий корхонасига полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш линиясини олиб келиш учун 24 млн. сўм, Ғаллаорол туманидаги «Кавсар-Беҳишт» фермер хўжалигига ўсимлик мойи ишлаб чиқариш линиясини сотиб олиш учун 14,5 млн. сўм, «Давр-М» хусусий корхонасига шартнома қиймати 21 млн. сўмлик Россиянинг «Ижмолпак» корхонасида ишлаб чиқарилган сутни қайта ишлаш ускунаси, «Элтинди» фермер хўжалигига шартнома қиймати 25 млн. сўмлик сувни қадоқлаш ускуналари олиб берилди.

Кўриниб турибдики, «Микрокредитбанк» АТБ Жиззах вилоят бошқармаси сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилаётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Қадрият

НОННИНГ УВОЛИ — РЎЗҒОР ЗАВОЛИ

ЎТМИШ ХОРЛИКЛАРИ

— Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар, — деб ҳикоя қилади чортоқлик 80 ёшли кекса деҳқон Эргаш Турғунов. — Ҳозирги Кесканёр қишлоғи атрофи қий-дала эди. Томорқамизда жевари ғўжа, макка, мош, лўла ва нўхат экардик. «Заготзерно» (дон маҳсулотлари омбори) рўпарасидаги мактаб мулжилишига бир кун мош, бир кун жевари, яна бир кун нўхот олиб бориб ўтираман. У ернинг қоровули ўзига берилган икки ҳовуч чамасидаги буғдойни мендаги нарсага алмашиб оларди.

Кейин ўша буғдойни онам уч ё тўрт кунда бир ивитиб-янчиб, нон қилиб берардилар. Икки акам билан мен тандир ёнида уймалашиб, жомда сув ҳозирлаб турардик. Нон қизариб, атрофга ҳиди анқиганида, бир-биримизга гал бермай ирғишлаб айтим айтардик:

Нон пиш, кулча пиш,
Тандирдан саватга туш.
Сувга тушиб, хиш-хиш,
Нон пиш, кулча пиш...

Онагинам нонни аввал саватга қўяр, устига сув уриб ҳавода бир елпитгач, ушатиб-ушатиб жомдаги сувга соларди. То олиб бизга бермагунларича нонга термулиб тураверардик.

— Шошмай, бисмиллоҳ деб есаларинг, баракали бўлади, — деб тайинларди онам. Ва, албатта кулчалардан бирини олиб кўча эшикка чиқарди, шу ерда уймалашиб турган болаларга тақсимлаб берарди.

Нонни тақсимлаш ҳам шундоқки: «Манув сенга, ҳў бирда ўтин ташишганинг учун. Манависи сенга, салом бериб ўтганинг учун. Сангаям бор, олақол, акангни «сиз»лаб гапиришинг учун...» Бирор ҳафта нонсиз қолсак, тандиридан тутун чиққан қўшни эшигида биз ҳам шундоқ турган пайтларимиз кўп бўлган...

Мана, энди худога шукр, тўкинчилик замонида яшаяпмиз. Аммо, баъзан тўю маъракаларда нон исроф бўлаётганини кўриб, ачинаман. Нега ёши улуғлар, ота-оналар болаларига нон қандай муқаддас неъматлигини гапиришмайди, деб ўйлаб қоламан. Муаллим деб ҳурмат топганлар ҳам нон қадрини болаларга етарлича тушунтириб бермайди. Ош — пайғамбар, нон — худо бўлган замонларни ўз кўзи билан кўриб, ўз бошидан ўтказган одам ризқ-насибанинг қадрига етади...

УШАТИЛГАН НОН

Халқда нима кўп — тўй-маърака, хурсандчилик кўп. Айтишларича, бир инсон туғилганидан то умрининг охиригача қирқ минг кеча-кундузлик тўй-маъракадан ризқ ер экан. Сиз буни бир ўзингизга тасаввур қилинг ва ризқ деганда кўз олдимизга, энг аввало, нон келади.

Дастурхонимизни нонсиз тасаввур этолмаймиз. Шундай экан, бугунги новвойлик санъатимиз узоқ тарихга эга. Бир дастурхонга қирқ турдаги нон ва нон маҳсулотининг камида беш-ўн турини қўйилади. Ғаллачиликдаги бугунги ривожланиш новвойчиликни яна санъат даражасига кўтарди. Буларнинг бари шукрона айтишга арзийдиган тўкинлик туфайлидир. Аммо тўйларимиз исрофгарчиликка йўл очаётганини ҳам рад эта олмаймиз.

Разм солсак, тўйхонага кириб келган ҳар икки одамга алоҳида нон ушатилади. Буни ҳурмат деб биламиз. Аммо ушатилган нонга на меҳмон бўлиб, на мезбон бўлиб, ақл билан муносабатда бўлмаймиз. Тўйга бир вақтда келиш зарурати, маросим одоби, меҳмонлик иззати, мезбонлик шарафи Нон билан шу қадар боғлиқки, буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Демак, ушатилган нон ҳаққи-ҳурмати бугун маҳалла маслаҳатчилари, ўзини зиёли санаган ҳар бир фуқаро тўйларни тартибга солиш, исрофгарчиликнинг олдини олишни айнан нондан бошламоғимиз, бу масалада тарғиботга кўп нарса боғлиқ. Ахир нонинг ушоғи ҳам нон. У ризқу баракот тимсолидир.

ЮКСАК ҚАДР

Кўпчилигимизга таниш ҳолат: уйдами, кўчадами, қаерда бўлмасин, ноқулай вазиятга тушиб қолган киши атрофдагиларни ўзига ишонтирмоқ учун «Нон» деган сўзни беихтиёр тилга олади. Шу иборанинг ўзиёқ қадим-қадимдан халқимизда нонга нисбатан юксак эҳтиром шаклланганини ифодалайди.

Бизнинг менталитетимизда бу сўздан қайсидир маънода ҳайиқиш бор. Эзгулик йўлида қасамёд қилиш анъанасининг минг йиллардан буён давом этиб келаётгани ҳам пурҳикмат қадриятларимиздан ҳисобланади. Нонга қасам бу — энг таъсирли куч. Ёмон хислатлардан, иллатлардан асрайдиган одат. Бу борада айнан қасамни нонга айтиш масъулиятини таҳлил қиладиган бўлсак ҳам нонинг биз учун, одамзот учун энг азиз неъмат эканини англаш мумкин.

Нон ҳақида гапирилганда, бир нарсани эсда тутиш лозим. Кексаларимизнинг айтишларича, қаттиқ нон инсон саломатлиги учун жуда-жуда фойдали. 3-4 яшарлигидан талқон еб ўсган боланинг илиги тўқ, чидамли бўлади. Суви қочган нон ҳазми енгиллиги боис қарияларга фақат қувватижондир. Нонинг уволи — рўзғор заволи деб бежиз айтишмаган. Ахир, эсдан чиқмайдиган зорликлар нонга, ризқ-неъматга ҳурматсизликдан бошланиши тарихдан ҳам маълум. Увол кўп жойда иллат авж олади. Эл тежамли бўлса, юрт бойийди, равнақ топади. Нонини, ўзининг меҳнати билан яратган неъматларини қадрлайдиган халқнинг насибаси бутун бўлади...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қанотли хабар

ТИББИЁТИМИЗДА ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида лейкемия билан касалланган аёлдан соғлом фарзанд туғилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда, бугун одамлар саломатлигини яхшилаш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Яқинда Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида лейкемия билан касалланган аёлдан соғлом фарзанд туғилиши кузатилди.

— Аввалари шундай ҳолларда она ва фарзанд тақдири ёмон оқибат билан тугарди, — дейди институтнинг 2-гематология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Маъмура Нигматова. — Шунинг учун ҳам лейкемия билан касалланган аёлларга фарзанд кўриш тақиқланган. Мазкур бемор институтимизга келтирилганида унинг ҳомиласи етти ойлик эди. Шу заҳоти она ва болани сақлаб қолиш ниятида тиббий-илмий муолажа бошладик. Мазкур жараён давомида Россия Гематология маркази тажрибалари билан танишдик, шифокор-олимлар билан маслаҳатлашдик. Шундан сўнг беморга полихимиятерапия ва компоненттерапия даволаш усуллари қўлланди. Бу пайтда у доимо гинеколог назоратида бўлди.

Ҳа, Азиз Фармонқулов, Элдор Исҳоқов, Ҳамида Қозоқбоева, Зулхумор Юнусова, Нилуфар Абдураҳмонова каби мутахассисларнинг икки ой давомида қилган саъй-ҳаракатлари, айниқса, 60 дан зиёд донорнинг (талабалар, тиббиёт ходимлари ва беморнинг қариндошлари томонидан берилган қондан тайёрланган препаратлар) ёрдами бесамар кетмади. Ҳозир она-боланинг аҳволи яхши. Энг муҳими, муолажа жараёнида тиббиёт соҳасидаги қувонарли муваффақиятга эришилди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Спорт

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Бишкекда ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ёш спортчилари ҳам муносиб иштирок этишди.

Қизлар ўртасида найза улоқтириш баҳсларида — 51 метр 31 сантиметр натижа кўрсатган ҳамюртимиз Анастасия Свечникова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, ядро улоқтириш бўйича ҳам Анастасияга тенг келадигани топилмади.

Баландликка сакраш борасида ҳам вакилларимиз Сергей Тимшин, Александр Хардин, Никита Ребенколар кучли учликни банд этишди.

Турнирда бундан ташқари, Артём Кузин 400 метрга югуриш, Анастасия Исланиду эса босқон улоқтириш бўйича олтин медаллар билан тақдирландилар.

РАУФ ИНИЛЕЕВ: «ТАРКИБДА МУАММОЛАР ЙЎҚ»

13 октябрь куни Осиё қитъасида футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари бошланади. Тўрт босқичда ўтказиладиган мазкур мусобақада Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этади. Ҳамюртларимиз уй-сафар тизими асосида уюштириладиган илк учрашувда Хитой-Тайпейи футболчиларига қарши майдонга тушадилар. Дастлабки ўйин Тошкентдаги МҲСК стадионида бўлиб ўтади.

Айни пайтда терма жамоа номзодлари пойтахтимизда учрашуволди ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишмоқда. Бош мураббий Рауф Инилеев 22 нафар футболчини кўрикдан ўтказаяпти. Булар дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Темур Жўраев, ҳимоячилар — Аср Алиқулов, Илҳом Суюнов, Ислом Иномов («Пахтакор»), Хайрулла Каримов, Анвар Ғофуров («Машъал»), Бахтиёр Ашурматов («Қурувчи»), Алексей Николаев («Актобе», Қозоғистон), Владимир Радкевич («Урал», Россия), Виталий Денисов («Днепр», Украина), ярим ҳимоячилар — Тимур Копадзе, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров («Пахтакор»), Виктор Карпенко, Шавкат Саломов («Қурувчи»), Азиз Ибрагимов («Слован», Словакия), ҳужумчилар — Павел Соломин («Сатурн», Россия), Максим Шацких («Динамо», Украина), Улуғбек Бақоев («Тобол», Қозоғистон), Анвар Ражабов («Бухоро»), Виктор Клишин («Машъал»)лардир.

Миллий терма жамоамиз бош мураббийининг таъкидлашича, таркибда ҳеч қандай муаммо йўқ. Вакилларимизнинг дастлабки босқичдан баҳсларга киришиши ҳамда рақибнинг ҳам у қадар номдор эмаслиги таркибга бир қатор янги ўйинчиларни жалб этиш имконини беради. Жумладан, илк маротаба миллий терма жамоа машғулотларида қатнашаётган Анвар Ражабов, Одил Аҳмедов, Шавкат Саломов, Виктор Клишин ана шулар жумласидандир. Агар булар қаторига Виталий Денисовни ҳам қўшсак, йиғинга жалб қилинган олимпиячилар сони беш нафарни ташкил этади.

— Қувонарлиси, терма жамоа ҳужум чизиғида кейинги пайтда рақобат пайдо бўла бошлаганлигидир, — дейди бош мураббий. — Мисол учун, сўнгги вақтда Қозоғистон чемпионатида сермаҳсул ўйин намойиш этаётган Жаъфар Ирисметов («Олма-Ота»), пахтакорчи Александр Гейнрих, «Рубин» (Қозон, Россия) жамоаси аъзоси Марат Бикмаевларнинг машғулотларга жалб қилинмаганлиги ҳам айнан шу билан изоҳланади. Мақсадимиз таркибни ёшартириш, терма жамоага фақат муносибларни жалб қилишдан иборат. Бу эса мухлислар орзусининг тезроқ ушалишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Эркин ХОЛБОБО

Божхона назорати

«ТИЛЛА ОПЕРАЦИЯСИ» ФОШ ЭТИЛДИ

Республикамиз божхоначилари тилла ва заргарлик буюмларини юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтилишига қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда

Тошкент вилоятидаги «Ғиштқўприк» божхона комплекси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги «тилла операцияси»га чек қўйишди. Қўшни давлат фуқароси Анаржан Кульметова божхона назоратидан ўтказилганда, у ўз қоматига мослаб тикилган нимчага ўхшаш мато ичига 61 та тилла қуймаларни устамонлик билан жойлаб, юртимизга яширинча олиб кирмоқчи бўлганлиги аниқланди. Божхона тўловларини тўламасдан, ноқонуний равишда олиб ўтилаётган тилла қуймаларнинг умумий оғирлиги 10 килограмм қиймати эса 292 миллион сўмдан ошиқ экан.

Фуқаро О.Исаходжаева умумий қиймати қарийб 12 млн. сўмлик, оғирлиги 583 грамм бўлган 116 дона қимматбаҳо тақинчоқларни қўшни республикадан ноқонуний равишда юртимизга олиб кираётганда Тошкент вилоятидаги «Ғиштқўприк» божхона комплекси ходимлари томонидан тўхтатилди.

Истамбулдан учиб келган фуқаро Р.Баҳронова ҳам қинғир ишга қўл урган. У Тошкент халқаро аэропортида божхоначилар томонидан назоратдан ўтказилганда қарийб 14 млн. сўмлик, оғирлиги 720 граммдан зиёд, жами 125 дона заргарлик буюмларини Ўзбекистонга ноқонуний равишда олиб кираётганлиги фош бўлди. Қизиғи шундаки, у тилла тақинчоқларни шахсий буюмлари орасидаги 4 дона тиш ювиш пасталари ҳамда 2 қути шоколад конфетлари ичига устамонлик билан жойлаган экан.

Шуни таъкидлаш жоизки, тилла ва заргарлик буюмлари контрабандасига қарши курашиш борасида божхоначилар томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қиймати 845 миллион сўмлик, оғирлиги қарийб 37 килограмм тилла ва заргарлик буюмлари ушлаб қолинди.

Давлат божхона
қўмитаси
матбуот хизмати.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Наманган вилояти, Поп тумани Чодак ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўрини «Тоғ-кон металлургия» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.**

2. **Наманган вилояти, Поп тумани Уйғур ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўрини «Транспорт ва алоқа» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.**

Қурилишни якунлаш муддати: **2008 йил 1 август.**

Буюртмачи: **Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.**

Телефон: **(8-3692) 26-22-60, 33-77-06.**

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

МИНИ ФУТБОЛ ТУРНИРИГА МАРҲАМАТ!

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этиш ишларига ҳамда журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболи оммавийлигини янада ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун Республика оммавий ахборот воситалари ижодий ходимлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, мини футбол бўйича ўтказиладиган 3-анъанавий турнир шу йилнинг 22-28 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилишини маълум қиламиз.

Мазкур турнирда иштирок этишни хоҳлаган мамлакат оммавий ахборот воситалари жамоалари тегишли буюртманомани «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририятига 2007 йилнинг 18 октябрига қадар етказишлари лозим. Кечиктириб берилган буюртманомалар қабул қилинмайди.

Турнир ташкилий қўмитаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67а-уй.

Тел: 144-17-37, 246-39-49, факс: 227-19-59.

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2001 йилда Гоипова Бувзам Каршибоевна номига берилган, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Циолковский кўчаси, Олтинтепа маҳалласи Касб касалликлари шифохонаси бекатида жойлашган тижорат-савдо дўконига тегишли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, драматург, Ўзбекистон халқ артисти

Рустам МАЪДИЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
г — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 21.20
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda